



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/2-сон



<b>Bobir Xo‘jaqul o‘g‘li Qilichov</b> Islomiy banklar, insonlarning moliyaviy xavfsizligini ta’minlashdagi ahamiyati	152
<b>Zarif Oripovich Axrorov</b> Foyda solig‘i vositasida iqtisodiyotni tartibga solish	156
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Аскар Хайдарович Джумаев</b> Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобини синергетик самарасини ошириш масалалари	163
<b>То‘лқин Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev</b> Qurilish korxonalarida ko‘rsatilgan qurilish xizmatlari bo‘yicha xarajatlar hisobi hamda tahlili	167
<b>Jahongir Ahmadjon o‘g‘li Sagdullayev</b> Yoshlar jinoyatchiligini oldini olish metodikasi tahlili	171
<b>Шараф Урокбоевич Ташматов</b> Интернет савдо хизматларига талабни шакллантирувчи омиллар таҳлили	175
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Саидахроп Гуломов, Мамаюнус Пардаев, Севара Бабаназарова, Хилола Очилова</b> Янги Ўзбекистонда таълим, тарбия ва ақлий меҳнатнинг уйғунлигини таъминлаш	178
<b>Дилбар Хасановна Асланова, Вазира Саидмуродовна Узакова</b> Совершенствования организационно-экономического механизма подготовки конкурентоспособных специалистов с высшим образованием на рынке труда	184
<b>Quvvat Haqnazarovich Aliqulov</b> Oila va badiiy madaniyatni yangi avlod kadrlarini tayyorlashdagi falsafiy jihatleri	189
<b>Фарангис Азамовна Ишанкулова</b> Олий таълим муассасаси имижини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари	192
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Бахтли ва комил инсон формуласи. Ҳалол йўл билан топилган маблағ – ўзингизники	197

Xulosa qilib aytganda, Yangi avlod kadrlarini tayyorlashda oilaning oʻrni katta. Maktablar, oʻqituvchilar va ota-onalar birgalikda bolalarning muvaffaqiyatli va maʼrifatli fuqaro boʻlib yetishishi uchun ularning taʼlim va tarbiya darajasini yuksaltirishga katta hissa qoʻshishlari kerak. Yangi avlod kadrlarini taʼlim sifatini oshirish oila va badiiy madaniyatning falsafiy ahamiyati muammolarini hal qilish haqida, hamda ijodiy fikrlaydigan va oʻzini namoyon qila oladigan barkamol shaxsning funksional oʻzgarishlari yoritilgan.

**Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:**

1. Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz Toshkent “Ozbekiston” 2017). 488 b.
2. Maʼnaviy yangilanish jarayonlarida etika va estetikaning dolzarb muammolari ilmiy maqolalar toʻplami 1-qism Toshkent. 2011, - 185-b.
3. Nishonov H. R. Oʻzbek adabiyoti. 5 tomlik. T. 5. Ikkinchi kitob. - T.: Gʻ. Gʻulom nomidagi adabiyot va sanʼat nashriyoti, 1968. - 23b.
4. Mahmudov Tilab. “Avesto” haqida. - T.: “Sharq”, 2000. - 41 b.

<p><b>К. Alikulov</b>  <b>Философские аспекты семьи и художественной культуры в подготовке кадров нового поколения</b></p> <p><b>Аннотация:</b> Целью данного исследования являются раскрытие значения семенной и художественной культуры в формировании кадров нового поколения в Узбекистане в условиях проводимых реформ.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> Новые Узбекистан, национальная семья, национальное воспитание, патриотизм, нравственное воспитание, доброта, правовые основы, счастье и счастье, инфраструктура, духовно-нравственные основы, экономический интерес, индивидуалистический, корыстные.</p>	<p><b>К. Alikulov</b>  <b>Philosophical aspects of family and artistic culture in the training of a new generation of personnel</b></p> <p><b>Abstract:</b> The purpose of this study is to reveal the importance of seed and artistic culture in the formation of a new generation of personnel in Uzbekistan in the context of ongoing reforms.</p> <p><b>Keywords:</b> New Uzbekistan, national family, National education, Patriotism, moral education, kindness, legal foundations, happiness and happiness, infrastructure, spiritual and moral foundations, economic interest, individualistic, mercenary.</p>
--	---

**Фарангис Азамовна Ишанкулова** – СамИСИ таянч докторанти

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ**

<p><b>Аннотация:</b> мақолада имиж, унинг турлари, олий таълим муассасаси имижини тушунчасининг моҳияти очиқ берилган. Олий таълим муассасалари имижини, унинг компонентлари, олий таълим муассасаси имижининг хусусиятлари ўрганилган. Олий таълим муассасалари имижини шакллантиришда АҚШ тажрибаси, махсус тадбирларни ўтказиш талаблари ва шартлари кўриб чиқилган. Олий таълим муассасалари имижини яхшилаш учун тавсиялар берилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> имиж, ОТМ имижини, ОТМ имижининг хусусиятлари, таълим хизматлари истеъмолчилари имижини, визуал имиж, ижтимоий имиж, персонал имижини, бизнес имижини.</p>
--

**Кириш.** Таълим инсон жамиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатадиган соҳалардандир. Замонавий жамиятнинг ҳолати мамлакат таълим тизимининг, жумладан олий таълим тизимининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ. Шу боисдан мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим тизимида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Олий таълим тизимида алоҳида эътибор қаратилган ҳозирги шароит улар орасидаги рақобатни кучайтирмоқда. Ҳар бир олий таълим муассасаси таълим бозорида ўз ўрнини эгаллаши учун барча маркетинг чора-тадбирларидан фойдаланиши зарур. Улар орасида олий таълим муассасаси имижини алоҳида ўрин эгаллайди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ҳозирда маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларда олий таълим муассасаларининг имижини тўғрисида ягона ёндашув мавжуд эмас. Уларнинг айримларини келтириб ўтамиз. Жумладан, Г.А.Резник, Ю.В.Ежев ва

Н.Р.Хачатурян олий таълим муассасасининг имижини унинг асосий фаолиятига баҳони акс эттирувчи ғоялар мажмуи<sup>1,2</sup>, сифатида қараган бўлса, бу таърифни кенгайтириб, бошқа олимлар гуруҳи олий таълим муассасасининг имижини унинг образи сифатида кўриб чиқиш мумкинлигини таклиф қилади. Уларнинг фикрича, таълим муассасасининг имижи таълим муассасаси тўғрисидаги жамоатчилик фикри, талабалар, профессор-ўқитувчилар ва иш берувчиларнинг ўқув жараёни ва муассаса ички муҳити ҳақидаги фикрларидир. Бу каби олий таълим муассасаси имижига ташкилий ёндашувчи олимлар гуруҳига Е.Н.Пескова, Е.В.Кривцова, Я.Н.Винникова, И.М.Пашнев ва Г.И.Гоженко кабиларни киритиш мумкин<sup>3,4,5</sup>. Бунда улар имиж деганда олий таълим муассасасининг асосий фаолиятини ифодаловчи ва мақсадли гуруҳларга узатиладиган олий таълим муассасасининг ички ва ташқи жиҳатларини тушунишади. Л.В.Даниленко таълим муассасасининг имижини таълим ташкилотининг ҳиссий юкланган, онгли равишда шакллланган, мақсадли белгиланган хусусиятларга эга маълум бир йўналишда жамиятнинг муайян гуруҳларига психологик таъсир кўрсатиш учун мўлжалланган кифоаси, деб таърифлайди<sup>6</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодчилари Қ.Х.Абдурахмонов, Г.Н.Ахунова, М.Қ.Пардаев, С.С.Гулямов, Д.Х.Набиев, М.Х.Саидов, Ш.Д.Эргашходжаева, Қ.Қ.Қуролов ва бошқа олимларнинг олий таълим муассасалари борасидаги тадқиқотлари таҳлил қилинганда олий таълим муассасалари имижини шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари тўлиқ ёритилмаганлиги маълум бўлди. Шу сабабли ушбу масала юзасидан бир қатор илмий ва амалий муаммоларнинг ҳал этилиш зарурати мавжуд, деб ҳисоблаймиз.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур тадқиқотда мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув ҳамда хорижий мамлакатлар таълим тизимини ўрганиш мақсадида илмий мушоҳада усулларидадан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Имиж деганда, таълим муассасасини характерловчи маълум белгилар ва маълумотлар шаклида қайд этилган, ташқи ва ички алоқалар жараёнида турли мақсадли аудиторияларга яратилган ва мақсадли равишда узатиладиган, тан олинандиган, қайд этиладиган, баҳоланандиган хусусиятлар мажмуи тушунилади.

Намоён бўлиш шаклига кўра ички ва ташқи имиж бўлади. Ташқи имиж ташқи муҳитда намоён бўладиган ва таълим истеъмолчиларига қаратилган имиждир. Ички имиж олий таълим муассасалари ходимлари ўртасидаги муносабатлар ва иш ҳақидаги таассуротлар сифатида шаклланади. У ўқитувчилар ва талабаларга қаратилган. Имиждан ташқари меъёрлар, кадриятлар ва муносабатлар характери шаклланади. Олий таълим муассасаларининг самарали ички имижи туфайли яқин жамоа шаклланади.

Шаклланишига кўра имиж табиий ёки сунъий бўлиши мумкин. Табиий имиж одамлар онгида ўз-ўзидан, сунъий имиж эса турли реклама, акциялар орқали шаклланади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, имиж табиий бўлиши учун ишни шундай ташкил қилиш керакки, жамоатчилик мажбурлашни ҳис қилмаслиги керак. Олий таълим муассасасининг имижини шакллантириш учун жуда эҳтиёткорлик билан ишлаш талаб этилади.

Олий таълим муассасаси имижи, мамлакатимиздаги олий таълим тизими имижи устида ишлаш нафақат турли олий таълим муассасаларини аниқлаш, балки таълим хизматларини тарғиб қилишнинг яхши усули, демак, рақобат доирасида улар сифатининг ошишидир.

<sup>1</sup> Резник Г.А., Ежова Ю.В. Имидж вуза: сущность и основы формирования // E-Scio. 2019. Т. 29. № 2. С. 117–122. EDN: KAWAQP

<sup>2</sup> Хачатурян Н.Р. Оценка образовательного продукта студентами как критерий реального имиджа вуза // Alma Mater (Вестник высшей школы). 2021. № 6. С. 86–90. DOI: 10.20339/AM.06-21.086

<sup>3</sup> Пескова Е.Н. Биографическое интервью в имиджевом издании: жанрообразующие признаки // Вестник ЮУрГУ. Серия: Лингвистика. 2015. Т. 12. № 2. С. 39–43. EDN: TPRHRV.

<sup>4</sup> Кривцова Е.В., Винникова Я.Н. Влияние специальных мероприятий на имидж высшего учебного заведения // Профессиональное образование в России и за рубежом. 2017. Т. 28. № 4. С. 216–223. EDN: ZXKZTH.

<sup>5</sup> Пашнев И.М., Гоженко Г.И. Имидж вуза и средства его формирования // Форум молодых учёных. 2019. Т. 29. № 1. Ч. 2. С. 1220–1224. EDN: POTTWM

<sup>6</sup> Даниленко Л. В. Менеджмент имиджа образовательного учреждения. URL: [http://www.marketologi.ru/lib/danilenko/mana\\_image.html](http://www.marketologi.ru/lib/danilenko/mana_image.html) (дата обращения: 10.06.2010)

Олий таълим муассасаси имижни мамлакат олий таълим муассасалари имижидир, шунинг учун бу мамлакатимиз таълим тизимига таъсир қилади. Олий таълим муассасаси номи брендга айланиши учун унинг имижни устида пухта ишлаш зарур.

Олий таълим муассасаси имижни ҳақида гапирганда унинг самарадорлик хусусиятини алоҳида таъкидлаш лозим: олий таълим муассасаси мақсади бошқа ҳар қандай ташкилот каби жамият мақсади билан мос келадиган самарали имижни яратишдан иборатдир. Самарали имиж таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасасининг рақобатбардошлигини оширади, абитуриентлар ва профессор-ўқитувчиларни ўзига жалб қилади, таълим сифатини оширади. Бу, ўз навбатида битирувчилар даражасини ошишига олиб келади. Бу олий таълим муассасасининг молиявий фаровонлигини оширади, турли ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Таниқли олий таълим муассасаси учун самарали имиж яратиш осондек туюлади, чунки олдиндан мавжуд имиж уларга рақобатга дош беришга ёрдам беради. Лекин ташқи ўзгаришлар олий таълим муассасаси имижини кескин ўзгартириши ҳам мумкин.

Таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлик омилларидан бири бўлган олий таълим муассасаси самарали имижини яратиш учун маркетинг чора-тадбирларидан (реклама ва бошқалар) кенг фойдаланиш зарур.

Самарали имижни шакллантириш учун фаолият йўналиши ва имижнинг қайси турини ишлаб чиқиш кераклигини аниқ белгилаб олишда олий таълим муассасаси имижни қайси элементлардан иборат ва унинг тузилишини аниқлаб олиш керак. Н.К.Моисеевнинг фикрича, олий таълим муассасалари имижни 8 та компонентдан иборат:

1. Таълим хизматлари имижни – олий таълим муассасаси томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида одамларнинг фикридир (олинган мутахассислик ва дипломнинг обрўси, тўлов-шартноманинг миқдори, таълим сифати, янги мутахассисликлар, хизматлар нархи, халқаро алоқалар даражаси, битирувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлиги, талабаларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги, олий таълим муассасасининг моддий-техник базаси).

2. Таълим хизматлари истеъмолчиларининг имижни. Бунга истеъмолчиларнинг ташқи кўринишидан ташқари, унинг умумий маданий даражаси, касбий билим ва кўникмалар даражаси, турмуш тарзи, ижтимоий мавқеи ва бошқа шахсий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар киради. Бунда истеъмолчиларнинг таассуротларини эмас, балки олий таълим муассасаси имижига оид муносабатлари ва баҳоларини ҳисобга олиш керак. Олий таълим муассасаси истеъмолчилари имижни олий таълим муассасаси талабалари ва битирувчиларини баҳолаш, уларнинг таълим сифатидан қониқиш даражаси ва таълим бозоридаги уларга бўлган талабга асосан шаклланади.

3. Олий таълим муассасасининг ички имижни – бу профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг олий таълим муассасаси ҳақидаги таассуротларидир (инновацион, молиявий барқарорлик, юқори маош (стипендия) олиш имконияти, маънавий қадриятлар, ҚВЗ ва бошқа ижодий гуруҳларнинг мавжудлиги). Ички имиж олий таълим муассасасининг ички маданияти, ижтимоий-психологик иқлим ва жамоани бошқариш орқали шаклланади.

4. Олий таълим муассасаси ректорининг имижни унинг ташқи қиёфаси, психологик хусусиятлари, ижтимоий-демографик мансублиги, мулоқот маданияти, хатти-ҳаракатлари, сеvimли машғулотлари каби параметрлардан иборат. Бошқа ҳар қандай ташкилот каби олий таълим муассасаси имижини унинг ректори имижни орқали аниқлаш мумкин.

5. Персонал имижни – бу профессор-ўқитувчиларнинг умумий қиёфаси (профессионал компетенция, мобиллик, вазифаларни бажаришда масъулият, аниқлик, юқори малакали тайёргарлик, мулоқот қобилияти, нутқнинг тўғрилиги, ўқитувчиларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари). Бунда уларнинг нафақат касбий маҳорати, ютуқлари ва маданий даражаси, балки ташқи кўриниши, ижтимоий-демографик хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Персонал имижни олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш орқали шаклланади. Бунда ҳар бир ходим олий таълим муассасасининг “юзи” бўлиб, у орқали бутун олий таълим муассасаси баҳоланади.

6. Олий таълим муассасасининг ижтимоий имижини – ОТМнинг ижтимоий мақсадлари ва иқтисодийдаги роли, ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақидаги жамоатчилик таассуротларидир (ногирон, етим болаларни масофадан бепул ўқитиш, ҳарбий хизматни кечиктириш, жамият ижтимоий тизимининг бошқа тузилмалари билан ўзаро муносабатлар). Ҳозирда жамият олий таълим муассасасидан нафақат малакали мутахассисларни, балки масъулиятли фуқароларни ҳам тайёрлашни талаб қилаётганлиги сабабли ижтимоий имижининг роли ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. Олий таълим муассасасининг ижтимоий имижининг мақсадлар ва олий таълим муассасасининг жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги ўрни ҳақидаги кенг жамоатчилик фикри асосида шаклланади.

7. Олий таълим муассасасининг визуал имижини – бу олий таълим муассасасининг биноларининг, ўқув хоналарининг ички ва ташқи кўриниши ҳақидаги олий таълим муассасасидан ташқари инсонларнинг таассуротларидир. Корпоратив белги ташкилот имижининг асосий қисми бўлиб, у ички ва шахсий имижини яратишда асос ҳисобланади.

8. Олий таълим муассасасининг бизнес-имижини – олий таълим муассасасининг тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатидаги фаолиятидир (ишбилармонлик обрўси, таниқли битирувчилари, докторантура, инновацион технологиялар, янги мутахассисликларнинг мавжудлиги).

Хорижий олий таълим муассасалари таълим бозорида яхши жойлашиб олган, чунки улар ҳомийлик маблағларини олиш учун турли фондларнинг эътиборини жалб қилиб, тадқиқот дастурларини амалга оширади, итисослаштирилган асбоб-ускуналар сотиб олишади, абитуриентларни жалб қилишади ва талабалар учун молиявий ёрдам тақдир қилишади.

АҚШда йирик компаниялар очиклик ва ўзаро ҳамкорлик сиёсатини юритиб жамиятда яхши имижга эга бўлиш зарурлигини анча олдин англаб етган, бошқача қилиб айтганда, тижорат ташкилотлари жамиятга интеграциялашишга ҳаракат қилиб, уларнинг содиқлиги шакллантирилди. Нотижорат ташкилотлар, жумладан олий таълим муассасалари ҳам жамият билан бевосита боғлиқ, чунки улар жамият ривожланишига бевосита таъсир қилади. В.Слободчикова айтганидек, “Таълим, авваломбор, унинг барча инъомларида “инсонда инсон” бўлиш тарихи ва йўлидир. Шу билан бирга бу ҳар бир киши учун ўз имижини яратиш усулидир”. Олий таълим муассасалари имижини шакллантириш орқали биз таълим имижини яратамиз, бу эса ўқимишли инсон имижини шакллантиради. Одамларда бундай дунёқарашни сингдириш уларни махсус тадбирлар доирасида бир жойда тўплаш орқали амалга оширилади. Бу вазиятда шуни айтиб ўтиш лозимки, олий таълим муассасалари имижини, бошқа ташкилотлар каби фойда олиш учун эмас, балки таълим тизими ва мамлакатимизни ривожлантиришда ўзаро ҳамкорлик учун шакллантирилади.

Олий таълим муассасасининг махсус тадбирлари очик эшиклар куни, оммавий маърузалар, конференциялар, таълим жараёни иштирокчиларини тақдирлаш маросимлари бўлиши мумкин. Бу тадбирларнинг ҳар бирини ўтказиш учун тадбир ташкилотчилари пухта тайёргарлик кўриши лозим. Чунки тадбирлар қатнашувчиларда яхши таассурот қолдирса, олий таълим имижига ижобий таъсир қилади. Худди шу тадбирларда қатнашгандан сўнг ҳар бир қатнашувчи ўз фикрини дўстлари, яқинлари билан баҳам кўришади ва ўз навбатида шу олий таълим муассасасини танлаш ёки танламаслик қарорини қабул қилишади. Масалан, очик эшиклар кунини ўтказадиган олий таълим муассасаси учун абитуриент ва ота-оналарнинг қабул қилинган қарорнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишлари муҳим: бу муассасада сифатли таълим олинади, муассаса энг яхши ресурсларга эга, бошқа олий таълим муассасаларидан анча олдинда, абитуриент келажакда яхши касб эгаси бўлади.

И.В.Алешинанинг фикрича, очик эшиклар куни олий таълим муассасасининг машҳурлигини, имижнинг ижобий томонларини оширади, давлат амалдорлари билан алоқа ўрнатиш имконини беради.

Очик эшиклар кунидан ташқари, конференция, семинар, тренинг, презентация каби тадбирлар ҳам олий таълим муассасаси имижини оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

Бундай тадбирлар орқали олий таълим муассасасининг нафақат визуал имиж, балки ички мухит, маданияти билан ҳам яқиндан танишилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқорида келтирилган олий таълим муассасаси имижининг ҳар бир таркибий қисми олий таълим муассасаси имижининг умумий жиҳатларини акс эттиради. Имиж таълим хизматларининг истеъмолчилари онгида улар учун тақдим этиладиган хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган энг юқори кадриятни шакллантиради. Бунга таълим сифати, таълим йўналишлари, битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги, хизматлар нархи, хорижий олий таълим муассасалари билан алоқа даражаси киради.

Тадқиқотларимиз давомида олий таълим муассасалари имижини баҳолаш методикасини олий таълим муассасаси таниқлилиги, жозибadorлиги, жойлашуви қулайлиги, техник таъминоти даражаси, ОТМ web-сайти жозибadorлиги, профессор-ўқитувчиларининг таниқлилиги каби кўрсаткичларни интеграциялаш асосида такомиллаштирдик.

Бизнингча, юқоридаги 8 та компонентдан ташқари олий таълим муассасаси имижини шакллантиришда битирувчиларнинг имиж, профессор-ўқитувчиларнинг таниқлилиги ҳамда нашр фаоллиги, олий таълим муассасаси веб-сайти ҳам асосий ўрин эгаллайди. Чунки битирувчилар абитуриент ва уларнинг ота-оналари кўз олдида келажакдаги ўзига хос модел сифатида гавдаланса, таниқли профессор-ўқитувчилар абитуриентларни мазкур олий таълим муассасасига чорлайди, уларнинг хорижий маълумотлар базаларидаги нашрлари эса хорижий ҳамкорлар сонини ошишига олиб келади. Олий таълим муассасасининг веб-сайти орқали излаган маълумотларни олиш, унинг имижини трансляция қилиш, сайтга кирганларнинг қолдирган фикрларини таҳлил қилиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Слободчиков, В. Сборник «Новое образование как путь к новому сообществу / В. Слободчиков // Новые ценности образования: образование и сообщество. – М.: Изд-во «Инноватор», 1996. – С. 3–5.
2. Моисеева, Н.К. Маркетинг и конкурентоспособность образовательного учреждения / Н.К. Моисеева // Маркетинг . – 2009. – №5. – С.77-81
3. Резник, Г.А., Колесникова, А.С. Имидж как фактор конкурентоспособности вуза / Г.А. Резник, А.С. Колесникова // Проблемы социально-экономической устойчивости региона: сборник статей XI Международной научно-практической конференции. – 2014. – С.60-65.
4. Алешина, И. В. Паблик Рилейшнз для менеджеров : учебник / И. В. Алешина. – М. : ИКФ «ЭКМОС», 2003. – 205 с.
5. Менщикова, В. В. Регуляция взаимоотношений организации с общественностью, службами ПР : автореф. дис. канд. психол. наук / В. В. Менщикова. – М., 1998. – 186 с.

<p><b>Ф.А.Ишанкулова</b></p> <p><b>Формирование имиджа высшего учебного заведения</b></p>	<p><b>F.A.Ishankulova</b></p> <p><b>Formation of the image of the higher education institution</b></p>
<p><b>Аннотация:</b> в статье раскрывается понятие имиджа, его виды, имидж высшего учебного заведения. Изучены характеристики имиджа высшего учебного заведения, его компоненты. Рассмотрен опыт США в формировании имиджа высших учебных заведений, требования и условия проведения специальных мероприятий. Даны рекомендации по улучшению имиджа высших учебных заведений.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> имидж, имидж вуза, характеристики имиджа вуза, имидж потребителей образовательных услуг, визуальный имидж, социальный имидж, личный имидж, деловой имидж.</p>	<p><b>Abstract:</b> the article reveals the concept of image, its types, image of higher education institution. The image of higher educational institutions, its components, the characteristics of the image of the higher education institution were studied. The US experience in forming the image of higher education institutions, the requirements and conditions for conducting special events were considered. Recommendations are given to improve the image of higher education institutions.</p> <p><b>Keywords:</b> image, HEI image, characteristics of HEI image, image of consumers of educational services, visual image, social image, personal image, business image.</p>

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.